



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 28 июнь, № 131 (7361)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Аввало сиз, азишларни касб байрамингиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни билан чин қалбимдан муборақбод этаман.

Сизларга ўзимнинг самимий ҳурматим, эзгу тилақларимни билдириб, машаққатли ва олижаноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Барчамизга яхши аёнки, матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлган. Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиклик ва ошқоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Барча соҳалар каби ахборот олиш ва уни етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида ҳам рақобат кескин тус олмақда. Бундай мураккаб шароитда ҳаёт янги-янги талаб ва вазифаларни олдимизга қўймоқда.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, миллий медиа

маконда турли мулк шакли ҳамда сиёсий-ижтимоий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони тобора кўпайиб, улар турли тилларда иш юритмоқда.

Янгича шароитда ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида собиқ Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилганидан хабарингиз бор.

Ушбу агентлик томонидан оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш, журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий медиа компаниялар билан ҳамкорликни кучайтириш, чет эл веб-ресурслари ва сайтларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, бир сўз билан айтганда, ахборот майдонидаги фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда тобора тезкор ва кўп тармоқли соҳага айланиб бораётган

оммавий ахборот воситалари учун глобал медиа маконда кескин рақобатга дош бера оладиган, фаол гражданлик позициясига эга замонавий кадрлар тайёрлаш олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети аънавий билим ва кўникмалар билан бирга, инновацион тафаккур, соҳага оид технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган кадрлар тайёрлаш бўйича республикаимиздаги етакчи олий таълим муассасасига айланади, деб ишонамиз.

Кейинги пайтда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлили, соғлом танқидий руҳ кучайиб бораётгани алоҳида эътиборга лойик. Чунки бундай тенденция ислохотларимиз самарасини оширишга, жамоатчилик назоратини, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, барча даражадаги раҳбар ва мутасаддиларни эл-юрт фикри билан, замон талаблари билан ҳисоблаган ҳолда ишлашга ўргатади.

Албатта, ўзининг билим ва салоҳиятига, ишчанлик фазилатларига ишонган раҳбар танқиддан қўрқмайди, оммавий

ахборот воситалари билан ҳамкорликни халқ билан мулоқотнинг самарали воситаси, деб билади. Аслида ҳам бундай мулоқот тараққиётимизни таъминлайдиган энг асосий омиллардан биридир.

Айни вақтда барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур: ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва ҳолислик тамойилларига асосланиши, қонун ва одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий гараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳқирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳаётга доимо сергак кўз билан қарайдиган, халқ ва Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган сиз, матбуот аҳли, ўйлайманки, бу ҳақиқатни ҳар томонлама чуқур англайсиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман, ҳаётимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар, ислохотларимиз мантиғи барчамиздан янгилашши, янги гоя ва ташаббуслар билан майдонга чиқишни талаб этмоқда.

Шу маънода, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, кадрлар са-

лоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий матбуотимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, Интернет журналистикасини ривожлантириш, ноширлик иши, китоб савдоси, обуна ва тарғибот масалаларида бутун дунёда ўзини оқлаган бозор механизмларини кенг жорий этиш, очиклик ва соғлом рақобат шароитида ишлашга ўрганиш бўйича биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ўз навбатида, биз оммавий ахборот воситаларининг фаолият эркинлиги кафолатларини мустаҳкамлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнати муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, жамиятда демократик принциплар, фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимизни албатта изчил давом эттирамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар! Сиз, азишларни, сизларнинг тимсолингизда кўп сонли барча мухлис ва муштарийларингизни бугунги кутлуг байрамингиз билан яна бир бор самимий табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, ҳонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини қайта ташкил қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишнинг муаммоли масалаларини ҳал этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги ҳозирги ҳолат таҳлили медиа маконда юзага келаётган қаҳриқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтарилмаётганини кўрсатиб, мамлакатда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислохотлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича жамият эътиҳлари ахборот соҳасидаги ишларни сезиларли даражада оширишни, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, ҳолис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шафдофлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ва ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5139-сонли Фармонида мувофиқ, шунингдек, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида кадрлар билан таъминланганлик даражасини кучайтириш мақсадида:

(Давоми 3-бетда).

МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, фахрий журналистлар, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва талабалари тақдиф этилди.

Рағбат



Давлатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президент маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

Олқишлар ва юксак эҳтиром билан кутиб олинган табрикдан сўнг давлатимиз раҳбарининг “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни муносабати билан соҳа



ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармони ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов тақдирланганларга мукофотлари топширди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимларининг манфаатларини ҳимоялаш борасида барча ҳуқуқий асослар яратилган.

➡ 3

Эътироф

БУЮК ТАРИХ КЎЗГУСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 15 июнь кунни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг бешинчи саммитида динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйиш тақдирини берар экан, Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бунинг учун самарали платформа бўлиб хизмат қилишини таъкидлаган эди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Ислам тарихи, санъати ва маданияти-

ни тадқиқ қилиш ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган “Ўзбекистондаги қўлэзма фондлари: муҳофаза қилиш, каталоглаштириш

ва мутахассислар малакасини ошириш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий семинарни мазкур ташаббуснинг амалий ифодаси, дейиш мумкин. Соҳа мутахассислари, қўлэзма фондлари бўйича етакчи экспертлар, машхур татотлар иштирок этган анжуманда ноёб қўлэзма ва тошбосма асарларни муҳофаза қилиш, каталоглаштириш, мутахассислар малакасини ошириш масалалари муҳокама этилди.

➡ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Есебаев Куатбай Матекович — Қорақалпоғистон ахборот агентлиги бош муҳаррири

Кудратходжаев Шерзоҳон Таджитдинович — «Халқро пресс-клуб» нодавлат нотижорат ташкилоти раиси

Саидов Зафар Хашимович — «Менинг юртим» нодавлат телеканали бадий кенгаши масъул котиби

Халилов Абдужалил Вакилевич — «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррирининг ўринбосари, Бухоро вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдисаматов Шамиль Мирзаевич — Томди тумани «Тамди шаруағари» газетаси муҳаррири, Навоий вилояти

Атаджонов Азамат Юсунбаевич — «Gazeta.uz» веб-сайти бош муҳаррири

Ғойимов Уралбой Содикович — «Халқ сўзи» газетасининг тезкор ахборотлари мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари

Магай Алла Владимировна — «Корё Синмун» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Мисков Вячеслав Юрьевич — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий ўйи чоп этувчиси

Ризаев Наврўз Ибодуллаевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston 24» телеканали катта муҳаррири

Саттаров Акрамжон Усманович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилояти бўйича шарҳловчиси

Ташпулатова Назира Курбановна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университе-тининг халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси мудири

«Келажак бунёдкори» медали билан

Худайбердиев Хушнуд Ғайратович — Ижтимоий тармоқлардаги «Xushnudbek.uz» саҳифалари администратори

Юсупов Бекзод Дилшадович — «UzNews.uz» веб-сайти бош муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
	
Тошкент шаҳри, 2019 йил 27 июнь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МУСТАҚИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. 2019 йил 1 октябрдан эътиборан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ болалар адабиётлари, шунингдек, ноғиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган махсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётлар ноширлик фаолиятини амалга оширишга лицензия берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинади.

2. Давлат ва ҳўжалик бошқарувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари)нинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва ахoliniн хабардор қилиш соҳасидаги фаолияти қонқарсиз деб топилисин.

3. Қўйидагилар давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича хизматлари (кейинги ўринларда — ахборот хизматларининг **асосий вазифалари этиб белгилансин**:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатуралар ташкил этиш йўли билан **аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш**;

давлат органлари ва ташкилотларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг **ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш**, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сийсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида **давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг чиқишларини** ташкил этиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб тақлифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбариятига ахборот бериб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини **ахборот материаллари** (босма махсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва х. к.) **билан таъминлаш**;

давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛИШINI ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Белгилансинки, **2019 йил 1 октябрдан бошлаб**:

а) бензин, дизель ёқилгиси ва гази ёқилғи қўйиш станциялари орқали охирги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади;

б) товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт;

в) қўйидагилар бўйича қўшилган қиймат солиғидан, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам имтиёзлар бекор қилинади:

асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хом ашёси;

соя данаги, кунгабокор ва кунжут уруғлари, мойли хом ашё ва шакар хом ашёси;

қишлоқ ҳўжалиғи техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналар;

г) юридик шахсларнинг тижорат банкларига жойлаштирган маблағларидаан фоиз қўринишида олинган тўлов манбанин фойда солигидан озод қилиш бўйича имтиёзлар бекор қилинади.

3. Қўшилган қиймат солигининг тўлақонли занжирини яратиш ва барча ҳўжалик йоритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлаш мақсадида белгилансинки:

2019 йил 1 октябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ ҳўжалиғи махсулотларига ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат махсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинади;

2019 йил январь ойидан сентябрь ойигача 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми)га эга бўлган ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиғи тўловчилари қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар ва белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт. Бунда **2019 йил 1 октябрдан бошлаб** белгиланган пул айланмаси (тушуми) чегаравий даражасига етган ягона ер солиғи тўловчилар ушбу даражага эришилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтади;

пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар **2019 йил ҳосилидан бошлаб** қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтадилар. Бунда уларга 2018 йилнинг 1 октябрдан илгари бўлмаган вақтда ҳақиқатда олинган ва пахта хом ашёсини етиштириш учун ишлатилган товарлар (иш, хизматлар) учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат махсулотлари қисми бўйича қўшилган қиймат солигидан имтиёзга эга бўлган юридик шахсларга имтиёздан воз кечиш тўғрисида хабарнома бериш асосида, ушбу хабарнома берилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛИШINI ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Белгилансинки, **2019 йил 1 октябрдан бошлаб**:

а) бензин, дизель ёқилгиси ва гази ёқилғи қўйиш станциялари орқали охирги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар, ушбу товарларни сотишдан тушумнинг миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланади;

б) товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари, товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушум миқдоридан қатъи назар, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар. Бунда товарларни биринчи марта импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари импорт шартномаси тузилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга туриши шарт;

в) қўйидагилар бўйича қўшилган қиймат солиғидан, шу жумладан, импорт қилинганда ҳам имтиёзлар бекор қилинади:

асбест, кўмир, ёғоч материаллари, ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар, углеводород хом ашёси; соя данаги, кунгабокор ва кунжут уруғлари, мойли хом ашё ва шакар хом ашёси;

қишлоқ ҳўжалиғи техникаси, автотранспорт воситалари, автотранспорт воситаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик асбоб-ускуналар;

г) юридик шахсларнинг тижорат банкларига жойлаштирган маблағларидаан фоиз қўринишида олинган тўлов манбанин фойда солигидан озод қилиш бўйича имтиёзлар бекор қилинади.

3. Қўшилган қиймат солигининг тўлақонли занжирини яратиш ва барча ҳўжалик йоритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлаш мақсадида белгилансинки:

2019 йил 1 октябрдан бошлаб ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ ҳўжалиғи махсулотларига ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат махсулотларига нисбатан белгиланган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинади;

2019 йил январь ойидан сентябрь ойигача 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми)га эга бўлган ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ер майдонларига эга бўлган ягона ер солиғи тўловчилари қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар ва белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт. Бунда **2019 йил 1 октябрдан бошлаб** белгиланган пул айланмаси (тушуми) чегаравий даражасига етган ягона ер солиғи тўловчилар ушбу даражага эришилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтади;

пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар **2019 йил ҳосилидан бошлаб** қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтадилар. Бунда уларга 2018 йилнинг 1 октябрдан илгари бўлмаган вақтда ҳақиқатда олинган ва пахта хом ашёсини етиштириш учун ишлатилган товарлар (иш, хизматлар) учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат махсулотлари қисми бўйича қўшилган қиймат солигидан имтиёзга эга бўлган юридик шахсларга имтиёздан воз кечиш тўғрисида хабарнома бериш асосида, ушбу хабарнома берилган ойдан кейинги ойнинг 1 санасидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳуқуқи берилсин.

Халқ сўзи

2019 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИЛИШINI ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

агарда асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмларни етказиб бериш муддати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда 180 кундан ортиқ бўлса, молиявий жазо чиқарари қўланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт шартномалари юзасидан муддати ўтган дебитор қарздорлик учун тадбиркорлик субъектларига молиявий санкцияларни қўллаш тартибини белгилаш тўғрисида тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қўшилган қиймат солигининг ҳисобга олинган суммасининг уни ҳисобланганидан ошган суммасини мажбурий қоплаб бериш тартибини жорий этиш бўйича тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари консултантлари ва мустақил экспертларни жалб қилган ҳолда 2019 йил 1 августга қадар божхона имтиёзларини бериш тартибини тубдан қайта қўриб чиқиш, шунингдек, илгари берилган имтиёзларни бекор қилдиш бўйича қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда тақлифлар киритсин:

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган ҳўжалик йоритувчи субъектларга товарларни олиб кирганда, шунингдек, иш (хизмат)ларни импорт қилганда импорт қилинган товарлар (иш, хизматлар) учун қўшилган қиймат солигидан имтиёз ўрнига 120 кунгача бўлган муддатга қўшилган қиймат солиғини тўлашни кечиктириш механизмларидаан фойдаланишни;

технологик асбоб-ускуналар учун божхона имтиёзларини бериш механизмини такомиллаштириш ва оптималлаштириши.

11. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзғартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўқоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
	
Тошкент шаҳри, 2019 йил 27 июнь	

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. 2019 йил 1 октябрдан эътиборан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ болалар адабиётлари, шунингдек, ноғиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган махсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётлар ноширлик фаолиятини амалга оширишга лицензия берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинади.

2. Давлат ва ҳўжалик бошқарувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари)нинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва ахoliniн хабардор қилиш соҳасидаги фаолияти қонқарсиз деб топилисин.

3. Қўйидагилар давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича хизматлари (кейинги ўринларда — ахборот хизматларининг **асосий вазифалари этиб белгилансин**:

давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатуралар ташкил этиш йўли билан **аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш**;

давлат органлари ва ташкилотларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг **ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш**, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сийсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида **давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг чиқишларини** ташкил этиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб тақлифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбариятига ахборот бериб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини **ахборот материаллари** (босма махсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва х. к.) **билан таъминлаш**;

давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг

Агентликнинг **давлат органларининг ахборот хизматларини мувофиқлаштириш бўлими** Агентлик марказий аппарати бошқарув ҳодимларининг белгиланган умумий сонини тегишлича ошириб, 5 та штат бирлигини қўшимча ажратган ҳолда **Ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси сифатида қайта ташкил этилсин**.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаларида 14 та штат бирикларини қўшимча ажратган ҳолда **ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш сектори ташкил этилсин**.

6. Давлат органлари ва ташкилотлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда матбуот котибларини алоқа воситалари, жумладан, ҳўкумат алоқаси, шунингдек, кенг поласали интернет тармоғига уланishi имконияти билан таъминласин;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари ҳодимларини тақрибга ортирishi ва хорижий мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари фаолияти билан аяқдан танишиш, шунингдек, уларни ахборот жихатдан таъминлаш учун сафар қилувчи делегациялар таркибига киритиш чораларини қўрсин.

7. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, мутахассислар ва экспертларни жалб этган ҳолда қабул қилиниши режалаштирилган ва қабул қилинган ижтимоий ахияматга молик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қондаларининг, шунингдек, долзарб масалалар бўйича қўйилаётган ташкилий чора-тадбирларнинг оммавий ахборот воситалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Белгилаб қўйилсинки:
а) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида (кейинги ўринларда — Академия) бошқарув кадрларини тайёрлаш давлат, ҳўжалик ва жамият бошқарувининг талаб этилган ва истиқболли йўналишлари бўйича грант ва тўлов-контракт асосларида, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда бир йиллик ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда икки йиллик магистратуранинг таълим дастурлари бўйича амалга оширилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топирилади;
Академия магистратурасига ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат ташкилотлари, ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда республика нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тавсия этилган шахслар орасидан, жойларда номзодларни бирлаштириш саралаб олиш ва кейинчалик Академияда тест синовлари ва суҳбат ўтказиш йўли билан танлов асосида амалга оширилади;
Академия магистратураси ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилигига номзодлар учун қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Таъкидланганидек, республикаимиз микёсида юқори ташкилий савияда ўтказилган ўшбу муҳим сиёсий тадбир мамлакатимизда демократия асосларини янада мустаҳкамлаш, илчил ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.
Бу сафарги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жамиятнинг янада ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш шарафига бўлиб ўтди. Жумладан, 2018 йилнинг октябрида “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Унда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) уч йил муддатда сайланиши, яширин овоз бериш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссиясининг ваколатлари, фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сониининг камида 12 фоизини ташкил этиши лозимлиги каби янги қоидалар мустаҳкам қўйилди. Сайлов жараёни айнан шу қоидаларга мувофиқ ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи таъминилари асосида ўтказилганлиги мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди.
Сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун барча зарур шароитларни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 15 февралдаги қарори билан Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини

ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссияси тузилди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар реҳаси тасдиқланди. Унга кўра, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар бу йўналишдаги кенг қўламли чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштириб бори. Жами 9093 та ишчи гуруҳ ҳар бир маҳаллада сайловни намунали ташкил этиш ва ўтказишда жонбозлик кўрсатди. Бунда, аввало, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга оид конституциявий ҳуқуқлари сўзсиз рўйбга чиқарилишига алоҳида аҳамият берилди.
Республика комиссияси томонидан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи ҳудудий, туман ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибни тушунтириш бўйича семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Шу билан бир қаторда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид ҳужжатлар тўплами ва бошқа ҳуқуқий адабиётларнинг жойларга ўз вақтида етказиб берилгани қонунчилигининг тўлиқ таъминланишига хизмат қилди.
Шунингдек, қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда маҳал-

лий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилди.
Бўлиб ўтган сайлов якунлари ҳақида сўз юритилар экан, мажлис иштирокчилари томонидан унда 9093 та фуқаролар йиғинида мамлакатимиздаги овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг вақили сифатида 2 миллион 58 мингдан ортқ кишилар ва 2264 нафар тавсия этилган номзод бевосита қатнашганлиги қайд этилди. Шунда бир маҳалла раислигига ўртача 2,4 нафардан номзод тўғри келганини сайловнинг муқобил асосда ўтказилганлигидан далолат беради.
Ҳамюртларимиз маҳаллага бош бўлишдек масъулиятли ишни кимга ишоний топириши масаласига бу галги сайловларда ҳар қачонгидан ҳам жиддийроқ ёндашди. Бу эса сайланган раисларнинг сифат таркиби ҳам юксалди, деган сўзидир. Натижада 9093 нафар оқсоқол сайланиб, уларнинг 6208 нафари ўшбу лавозимларга биринчи марта сайланган, 57,6 фоизи олий маълумотга эга. Сайланган раисларнинг 11,2 фоизи хотин-қизлар, 164 нафари маҳаллий Кенгашлар депутатларидир.
Бўлиб ўтган сайловнинг яна бир аҳамиятли жихати шундаки, маҳалла оқсоқолчилигига бу гал қўпроқ касби бўйича ўқитувчи бўлган инсонлар сайланди. Бу эса ҳалқимизнинг устоз-мураббийларга эҳтиромий баланд эканлигини, ўз фарзандларига билим ва тарбия берган инсонларга маҳалла оқсоқоли бўлишдек масъулиятли ишни ишоний топиришига тайёргилини билдиреди. Бу ҳам бўлса

юртимизда педагог кадрларни қўллаб-қувватлаш, жамиятдаги уларга бўлган муносабатни тубдан яхшилаш борасида қўйиладиган қадамларнинг яна бир самараси, деб баҳолаш мумкин.
Сайловнинг демократик принциплари асосида ўтказилишини таъминлаш — ишчи гуруҳлар ва умуман, жараёнга алоқадор барча тузилмаларнинг асосий вазифаси бўлди. Уни амалга оширишда муҳим сиёсий воқеликнинг барча босқичини кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар ҳузурида тузилган ахборот хизматлари самарали иш олиб борди. Бунинг натижасида марказий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 15 мингдан ортқ материаллар эълон қилинди. Хусусан, телерадиоаналлар эфирда 6,5 мингта яқин, газета ва журналларда мингдан ортқ, интернет нашрларда 7,6 мингта материал жойлаштирилган.
Таъкидланганидек, сайлов жараёнида тегишли қонун ҳужжатлари жиддий бузилган ҳолатлар қайд этилмади.
Мажлисда фуқаролар йиғинлари раисларининг маҳалла институтини янада ривожлантириш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш борасидаги ишларни қўчайтириш бўйича долзарб вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.
Шу куннинг ўзида мазкур масалага доир брифинг видеоконференцлоқа тарзида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

ПОЙТАХТДА «ХОСПИС» ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугунги кунда республикаимиз аҳолисига жами 104 та Тиббий меҳнат эксперт комиссияси ҳамда уларда фаолият юритаётган 353 нафар шифокор-эксперт хизмат қилиб келмоқда. Аммо даволаш-профилактика муассасалари томонидан ТМЭКга тақдим қилинадиган ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларни юбориш масалалари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган.
Белгиланган муддатлардан олдин ТМЭК томонидан дастлабки тиббий кўриқдан ўтказиладиган касалликлар белгилари ва рўйхатлари тасдиқланмагани сабабли даволаш-профилактика муассасалари томонидан айрим ҳолларда ногиронлик белгилари аниқ қўйиниб турган шахслар, шунингдек, ноҳус клиник прогнозли беморлардан ҳам шифоналарда 4, 6 ёки 10 ой давомида даволаниш талаб қилинган.
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иқтисомий масалалар ҳамда Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмиталарининг “Мамлакатимизда ногиронлиқни белгилашга доир амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш натижалари ва истиқболдаги режалар” муҳокамасига бағишланган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.
Унда қўмита аъзолари ва экспертлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди ходимлари билан биргаликда ўтказилган ногиронлиқни белгилашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризацияси натижалари, юқорида тилга олинган масалалар юзасидан жойлардаги ўрганишлар якунлари ҳамда бу борадаги истиқболдаги режаларни муҳокама қилди. Соҳада фуқароларнинг ортқча оворагарчилигига сабаб бўлувчи ҳуқуқни қўллаш амалиётида ўз ечимини қутаётган қатор масалалар борлигини қайд этилди.
Фуқароларни тиббий меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомага мувофиқ, ТМЭК томонидан фуқаро-

ларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун 120, 180 ёки 300 кун муайян касаллик билан даволаш-профилактика муассасаларида даволаниши лозимлиги белгиланган. Баъзан эса бундай беморларнинг шифонада даволанишга моддий имконияти йўқлиги, айрим тиббиёт муассасаларида неврология ва тегария бўлимларида ўринлар етишмаслиги сабабли уларга ногиронлик гуруҳи расмийлаштирилмасдан қолмоқда.
Мазкур соҳадаги муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда депутатлар ногиронлиқни белгилаш механизми ва унинг муддатларини, шу жумладан, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тақомиллаштириш юзасидан қатор тақлифлари билдирди. Хусусан, ногиронлиқни белгилаш тизимига белгилари яққол қўйиниб турган муружат қилувчини ногиронлик белгиланганга қадр қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий этиб, мавжуд ҳолатни исботлаш таъшишидан халос қилиш ташаббуси илгари сурилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш органлари зиммасига тиббий-иқтисомий ёрдамга муқтож шахсларни аниқлаш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш бўйича мажбурият юқлашни назарда тутувчи нормаларни жорий қилиш тақлиф этилди.
Шу билан бирга, йиғилишда онкологик касалликларнинг сўнгги босқичларида бўлган умидсиз, оғир беморлар ҳолатини енғиллаштириш, оргик қолдириш, умрини узайтиришга қаратилган тадбирлар мажмуини қўрсатувчи “хоспис” бўлимларини ташкил этиш — бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб қолётгани қайд этилди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарининг пойтахтда “Хоспис” бўлимини ташкил этиш юзасидан ахбороти тингланди.
Йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА.

БУЮК ТАРИХ КЎЗГУСИ

Аширбек МҲМИНОВ, Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш ташкилоти бўлим бошлиғи (Қозоғистон):



— Имом Бўҳорий халқаро илмий-тадқиқот марказида амалга оширилаётган гоят муҳим аҳамиятга эга илмий лойиҳаларда ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз. Бу ерда тадқиқотчилар учун яратилган шароитлар жаҳон стандартларидан юқори, десам, хато бўлмайди. Албатта, бу Ўзбекистонда ёш тадқиқотчилар ва мутахассисларга қатта эътибор қаратилаётганидан дарак беради.
Бугунги кўргазмадан ҳамсад ҳозир истеъмолдан чиқиб, йўқолиб бораётган ташкилот санъатини янада жонлантиришди. Биз бир неча йиллардан бери бу йўналишда мусобақалар ўтказиб келамиз. Уларда дунё микёсида хатотлар қатнашадилар. Ислом маданияти марказларидан бири — Самарқанда халқаро ислом ташкилотининг кўргазмасини ташкил қилганимиздан бениҳоя хурсандимиз. Бу ердан ўрин олган хатотлиқ намуналари турли мусобақаларда голиб бўлган асарлардир.
Ислом ҳамкорлик ташкилотига 56 мамлакат аъзо. Авваллари ташкилот фаолиятида Шимолий Африка, араб мамлакатлари, Эрон ва бошқа давлатлар фаол ҳаракат қилар эди. Ҳозир Марказий Осиё республикаларининг ҳаракатлари сезиларли даражада ошди. Минтақа мамлакатларида муҳим ўзгаришлар рўй берапти, маданий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Сўнгги икки йилда ислом оламида Ўзбекистоннинг қатта куч билан қайта қадим қўйганига гувоҳ бўлгилми. Умид қиламизки, келажакда ўзаро ҳамкорлигимиз янада ривожланади.

Халил ЭРЕН, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш ташкилоти (ИРСИКА) Бош директори (Туркия):



— Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида барча соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда амалга оширилаётган ишхотларни, ислом дини таълимотини чуқур ўрганиш, илм ва тамаддун гоғларини тарғиб этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлардан илгари сураётган ташаббусларини биз жуда қатта қизиқиш ва мамнуният билан кузатиб бормоқдамиз.
ИРСИКАнинг асосий вазифаси ҳам бутун дунёда ислом тарихи, санъати ва маданиятини кенг тарғиб этишдан иборат. Шу жиҳатдан қараганда, мазкур йўналишдаги фаолиятимиз, гоғ ва ташаббусларимиз ўзаро ҳамохандир. Бунинг учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ўз миннатдорлигимизни билдиришни истардим.
Қисқа муддатда Имом Бўҳорий халқаро илмий-

ИРСИКАнинг асосий вазифаси ҳам бутун дунёда ислом тарихи, санъати ва маданиятини кенг тарғиб этишдан иборат. Шу жиҳатдан қараганда, мазкур йўналишдаги фаолиятимиз, гоғ ва ташаббусларимиз ўзаро ҳамохандир. Бунинг учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ўз миннатдорлигимизни билдиришни истардим.
Қисқа муддатда Имом Бўҳорий халқаро илмий-

саъй-ҳаракатлари самарасидир.
Мазкур тадбирдан мақсад — ислом динига оид нодир манбаларни беэавол асраш, қўлёзмаларнинг тўғри сақланишини ташкил этиш бўйича ўзаро таҳриба алмаштиридан иборат. Шунингдек, тобора камёб бўлиб бораётган хатотлиқ санъатига эътибор қаратиш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ни мақсад қилганмиз. Келажакда ҳамкорликда хатотлар учун маҳорат дарсларини ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Шовосил ЗИЁДОВ, Имом Бўҳорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори:

— Бугунги кунда республикаимизнинг турли илмий-тадқиқот марказлари, қўлёзма фондлари, музей ва қутубхоналарида 100 мингга яқин нодир қўлёзмалар сақланмоқда. Улар орасида Имом Бўҳорий, Имом Мотуридид, Имом Термизий каби ислом илмлари ривожига бекёёс хисса қўшган буюк алломаларнинг нодир асарлари мавжуд. Марказимиз ўшбу манбаларни тадқиқ қилиш ва халқимизга етказиш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда. Мазкур йўналишда жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари, музей ва қутубхоналари билан ҳамкорлик қилинмоқда.
Ўшбу халқаро семинарда қўлёзмаларни сақлаш ва тадқиқ этиш бўйича илғор таҳрибаларни муҳокама қилдик. Соҳа мутахассислари олдидан турган муҳим вазифалардан бири нодир манбаларга ҳишак етишининг олдини олиш, қўлёзмаларни каталоглаштириш, уларни юқори сифатдаги рақамли форматга ўтказиш чораларини кўришдан иборат.
Айни вақтда Имом Бўҳорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходимлари томонидан алломаларимиз асарларини нафақат таржима қилиш, балки ана шу нодир манбаларни аҳоли турли ўш тоифаларига мос, уларнинг психологик ҳолати, билим савиясини инобатга олган ҳолда нашр этиш бўйича иш олиб бормоқдамиз. Шу йўл билан қадимий қўлёзмаларга янги ҳаёт бахш этиш, умрини узайтириш, ўшбу асарларнинг одамларимиз китоб жавонларига кириб боришига эришамиз.
Омонулла ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.



МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ МЕҲНАТНИНГ МУНОСИБ ЭЪТИРОФИ



Соҳа ходимларини рағбатлантириш, янгидан-янги иходиий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига ўйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар қўламини тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар журналистикаимиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, иходиий беллашувлар, грант-лоийхалар, ихтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топаётди.
Тадбирда мукофотланганлар оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, иходкор-

лар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бора-сантида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга ўз миннатдорликларини билдирдилар.
— Қирқ йилдан буюн мабуот соҳасида ишлайман, — дейди “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” унвони соҳиби, “Сирёда рёҳақиқати” газетаси маънавият бўлими мудир Халида Пардабаева. — Инсон меҳнатлари самарасини кўрганда, қилаётган ишларини учун яхши сўз эшитганда мамнун бўлиши, шубҳа-



Мукофотланганлар орасида ҳамкасбимиз Урол Ғойимов ҳам бор. У Президентимиз Фармонида мувофиқ, “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Ҳамкасбимизни ўшбу юксак мукофот билан қўллаб, келгуси ишларига омад ва зафарлар тилаймиз.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Мадҳ

Ҳақиқатнинг содиқ дўстлари

Бу дунё бир сўздан яралган асли,
Сўз билан ҳаётбахш одамдод насли,
Сизга дурдан аёло қаламнинг васли,
Эй, қўнғил тоғининг аълоинистлари,
Миллатнинг жоғифидо журналистлари.

Жони сиёҳдон, қалам қонидир,
Дунёда бор-йўли сўз — имкониدير,
Ўзи хокисору Ватан шонидир,
Кўнғилга бўйлайди бўю бастлари,
Ватанинго жоғифидо журналистлари.

Эй сиз, ўйқусини увеклаб юрган,
Эй сиз, ўз қадрини сўроқлаб юрган,
Вале, миллатини ҷироқлаб юрган,
Издан эреашар нури ҳислари,
Халқининг жоғифидо журналистлари.

Телеканаллар бу — қўзларга қўзғу,
Радио ҳам тилу сўзларга қўзғу,
Интернет, планшет, шиддатли туйғу,
Янги газетанин бўёқ, ислари,
Гулдан муаттар дер, журналистлари.

Уйғоқсиз, ҳушёрсиз, жоносарак жоносиз,
Сиз янги тарихга, янги имконсиз,
Сиз сўздан яралган Ўзбекистонсиз,
Сизсиз ҳақиқатнинг содиқ дўстлари,
Эй, она юртимнинг журнaлистлари.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири.

AGROBANK

«АГРОБАНК» АТБ жамоаси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан журналистларни ҳамда барча ижод аҳлини кутлайди.

Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ўзгаришларни, хусусан, «Агробанк» АТБ томонидан олиб борилаётган кенг кўламдаги савий-ҳаракатларни, аҳоли ва мижозларга кўрсатилаётган кўплаб турдаги замонавий банк хизматларини жамоатчиликка етказишда ҳамда ҳолисона ёритилишида улкан хизматларингиз борлигидан мамнунмиз. Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ва юртимиз равнақи йўлидаги масъулиятли ҳамда шарафли фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз. Байрам муборак бўлсин!



[/AgrobankChannel](#) [Agrobank Mobile](#) иловасини юклаб олинг [www.agrobank.uz](#) Тел.: 71-203-88-88

[/agrobankuzbekistan](#) [Download on the App Store](#) [GET IT ON Google Play](#) Хизматлар лицензияланган.

«Asaka» aksiyadorlik tijorat banki

«MasterCard» kontakt va kontaktisiz chipli plastik kartalarini personalizatsiya qilish uchun «DatCard DC280» rsumli embosserlarga dasturiy ta'minotni ta'minlovchi ta'minotchini tanlash bo'yicha ochiq tanlovda qatnashishga taklif etadi.

Takliflarni taqdim etish muddati — 2019 yilning 7 iyuligacha.

«DatCard DC280» rsumli embosserlarga dasturiy ta'minot bo'yicha texnik talablar «Asaka» banki saytida keltirilgan.

[www.asakabank.uz](#)

Qo'shimcha ma'lumotlar uchun quyidagi manzilga murojaat qiling:

O'zbekiston Respublikasi, 100015, Toshkent shahri, Nukus ko'chasi, 67-uy, «Asaka» banki.

Aloqa uchun telefonlar: 78-120-13-12, 78-120-26-75, 78-120-26-71. E-mail: [cards@asakabank.uz](#)

Xizmatlar litsenziyalangan.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар **МТЗ** базасидаги юклагичли экскаваторлар занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар санчики юклагичлар

Чегирма **Чегирма** **Чегирма**

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва саклаш учун мажмуалар гидравлика



Махсулот сертификатланган.

Моб.: 90-974-00-61, 90-900-61-72. Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: [amkodor.tashkent@mail.ru](#), [www.amkodor.uz](#), [www.amkodor.by](#)

«UPS-GROUP» МЧЖ (ИНН 305118014) 2019 йилнинг 10 июнидан устав фондини 510 000 000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 513 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқонлар 71-232-11-15.

 ISSN 2010-6784

«Микрокредитбанк» АТБ акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

ХУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2019 йил 19 июль кунин Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй, «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11.00 да бошланади. Акциядорлар соат 10.00 дан рўйхатга олинади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун банк акциядорлари реестри 2019 йил 15 июль ҳолатига тузилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
3. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш 2019 йил 26 июль ҳолатига тузилган акциядорлар реестри маълумотлари асосида акциядорларнинг электрон почта манзилларига билдиришнома юбориш орқали амалга оширилади.

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома эса нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Йиғилишга тааллуқли қўшимча ахборот, унда қўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан қўйидаги манзил ёки телефон рақамлари бўйича мурожаат қилиш ёхуд банкнинг корпоратив веб-сайти ([www.mikrocreditbank.uz](#)) орқали танишиш мумкин.

Телефон: 71-202-99-99 (10-15, 11-70).

Банк кузатув кенгаши.

QISHLOQQURILISHBANK **КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ

«Банкда мавжуд SWIFT дастурий-аппарат тизимини модернизация қилиш» лойиҳаси бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.

Танловда харидга қўйилган қурилмаларни ишлаб чиқарувчи ва/ёки етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлган маҳаллий фирмалар ҳамда ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

1. Танлов комиссиясининг ишчи органи номи ва манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ахборот технологиялари департаменти.
2. Дастурий-аппарат қурилмаларига қўйиладиган техник талаблар ва танлов шартлари маълумотлари «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ веб-сайтининг [www.qishloqqurilishbank.uz/uz/tenders/](#) манзилида жойлашган.
3. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2019 йил 5 июль, соат 16.00 гача.

Хизматлар лицензияланган.

Bobcat **«TOW Co., Ltd»**

қўшма корхонаси махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади.

[www.uztow.com](#)

Махсулотлар сертификатланган.

«Universal Services of Central Asia»

хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй. Тел.: 71-200-00-27 /28.

«C and H Industry» МЧЖ ХК

Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қўйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига кириди)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).

Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.

Махсулотлар сертификатланган.

Таҳриратга келган қўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун олуни расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мушарриф — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.35 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6